

## XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ИШ ҲАҚҚИ

### Навоий вилояти ва ҳудудларнинг ташкил топган йиллари ҳамда уларнинг марказлари

	Ташкил топган йил	Вилоят ва туман, шаҳарлар марказлари	Ер майдони, минг.кв.км
<b>Навоий вилояти</b>	<b>27.01.1992 й.</b>	<b>Навоий ш.</b>	<b>111,1</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	1958 й	Навоий ш	0,05
Зарафшон	1972 й	Зарафшон ш.	0,02
<i>туманлар:</i>			
Кармана	09.09.1926 й	Кармана ш-ча.	0,95
Конимех	29.12.1965 й	Конимех ш-ча.	9,25
Қизилтепа	07.12.1970 й	Қизилтепа ш.	2,19
Навбахор	12.03.1980 й	Бешрабат қ.а.п.	1,57
Нурота	29.09.1926 й	Нурота ш.	6,53
Томди	03.07.1927 й	Томдибулоқ ш-ча.	42,49
Учкудук	25.03.1982 й	Учкудук ш.	46,63
Хатирчи	03.12.1964 й	Янгирабат ш.	1,42


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил 1 апрел ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 982,6 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 3093 кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

**Доимий аҳоли сони<sup>1)</sup>**  
(2019 йил 1 апрел ҳолатига бирликда)

	Жами аҳоли	шу жумладан:		1 км кв га тўғри келадиганлар сони
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>982 629</b>	<b>479 320</b>	<b>503 309</b>	<b>8,8</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	136 574	136 574	-	2731,5
Зарафшон	82 721	82 721	-	4136,1
<i>туманлар:</i>				
Кармана	128 556	44 253	84 303	135,3
Конимех	35 118	15 748	19 370	3,8
Қизилтепа	149 658	47 904	101 754	68,3
Навбахор	111 109	16 022	95 087	70,8
Нурота	91 290	54 334	36 956	14,0
Томди	14 522	4 717	9 805	0,3
Учкудук	37 143	32 324	4 819	0,8
Хатирчи	195 938	44 723	151 215	138,0

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**Доимий аҳоли сонида қишлоқ ва шаҳар жойлардаги улуши**  
(2019 йил 1 апрел ҳолатига, фоизда)




**Аҳолининг табиий ҳаракати 2019 йил январ-мартда**

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2018	2019 <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2018	2019 <sup>1)</sup>
Туғилганлар	4175	4250	75	17,6	19,4
Ўлганлар	993	998	5	4,2	4,5
Табиий ўсиш	3182	3252	70	13,4	14,9
Никоҳлар	1158	1223	65	4,9	6,5
Ажралишлар	246	223	-23	1,0	1,0

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

## Ҳар 1000 кишига аҳолининг табиий ҳаракати



**Туғилиш даражаси.** 2019 йилнинг январ-мартида туғилганлар сони 4250 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (4175 киши) нисбатан 75 тага ошган. Туғилиш коэффиценти мос равишда 19,4 промиллени ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (17,6 промилле) нисбатан 1,8 промиллега ошган.

Туғилиш даражаси вилоятнинг Навоий шаҳар (17,6 дан 18,2 промиллега), Навбахор (16,5 дан 17,5 промиллега), Хатирчи (18,4 дан 19,2 промиллега), Учкдук (20,3 дан 21,3 промиллега), Кармана (17,6 дан 18,6 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.

Туғилиш даражаси вилоятнинг Зарафшон шаҳар (18,2 дан 17,2 промиллега), Конимех (19,1 дан 16,9 промиллега), Қизилтепа (16,4 дан 15,3 промиллега), Нурота (18,3 дан 16,4 промиллега), Томди (12,7 дан 7,3 промиллега) туманларида камайганлиги кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2019 йилнинг январ-мартида ўлганлар сони 998 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (993 киши) нисбатан 5 тага ошди. Ўлим

коэффициенти мос равишда 4,1 промиллени ташкил қилди, (2018 йил январ-мартида – 4,2 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Конимех туманида (3,3 дан 5,0 промиллега), Навбахор туманида (3,9 дан 4,5 промиллега), Нурота туманида (3,8 дан 4,8 промиллега), Учқудук туманида (3,6 дан 4,4 промиллега), Хатирчи туманида (4,0 дан 4,2 промиллега) кўпайгани кузатилди.


Ўлганлар даражаси вилоятнинг 2018 йилнинг шу даврига нисбатан Навои шаҳрида (5,1 дан 4,3 промиллега), Зарафшон шаҳрида (4,2 дан 2,8 промиллега), Қизилтепа (4,2 дан 3,7 промиллега), Кармана (4,4 дан 4,2 промиллега), Томди (5,1 дан 3,1 промиллега) туманларида камайганлиги кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 66,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 6,7 фоизи - ўсма касалликларидан, 6,3 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 3,1 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 5,4 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 0,9 фоизи юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 11,0 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январ-мартида бир ёшга тўлмаган 32 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 6,0 промиллени ташкил қилди (2018 йилнинг январ-мартида 7,3 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 59,4 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 6,3 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,3 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 9,4 фоизи – туғма аномалиялардан ҳамда 18,6 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

## Касалликлар турлари бўйича ўлганларнинг умумий сонидagi улуши, фоизда



## Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони (январ-март ойларида бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2018	2019 <sup>1)</sup>	2018	2019 <sup>1)</sup>

<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>1158</b>	<b>1223</b>	<b>246</b>	<b>223</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	184	197	65	55
Зарафшон	81	100	22	17


<sup>1)</sup>дастлабки маълумот

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2018	2019 <sup>1)</sup>	2018	2019 <sup>1)</sup>


туманлар:

Кармана	162	168	30	26
Конимех	42	39	7	11
Қизилтепа	173	207	32	28
Навбахор	110	105	17	18
Нурота	79	81	13	10
Томди	16	15	5	1
Учкудук	53	41	14	18
Хатирчи	258	270	41	39

#### Вилоят бўйича тузилган никоҳларда ҳудудларнинг улуши (фоизда)



## Вилоят бўйича никоҳдан ажралишларда ҳудудларнинг улуши (фоизда)



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2019 йилнинг январ-мартида ФХДЁ органларида 1223 та никоҳлар ва 223 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,1 та никоҳ (2018 йилнинг мос даврида – 4,9 та) ва 0,9 та ажралишлар (2018 йилнинг тегишли даврида – 1,0 та) га тўғри келди.

Тузилган никоҳлар вилоятнинг Навоий шаҳар (5,5 дан 5,9 промиллега), Зарафшон шаҳар (4,0 дан 4,9 промиллега), Қизилтепа (4,8 дан 5,6 промиллега), Хатирчи (5,4 дан 5,6 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.

Тузилган никоҳлар вилоятнинг Навбаҳор (4,1 дан 3,8 промиллега), Учқудук (5,8 дан 4,5 промиллега), Конимех (5,7 дан 4,5 промиллега), Томди (4,5 дан 4,2 промиллега) туманларида камайганлиги кузатилди.

Никоҳдан ажралганлар вилоятнинг Конимех (1,0 дан 1,3 промиллега), Учқудук (1,5 дан 2,0 промиллега), Навбаҳор (0,6 дан 0,7 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.

Никоҳдан ажралганлар вилоятнинг Навоий шаҳар (1,9 дан 1,6 промиллега), Зарафшон шаҳар (1,1 дан 0,8 промиллега), Кармана (1,0 дан 0,8 промиллега), Қизилтепа (0,9 дан 0,8 промиллега), Томди (1,4 дан 0,3 промиллега), Хатирчи (0,9 дан 0,8 промиллега), Нурота (0,6 дан 0,4 промиллега) туманларида камайганлиги кузатилди.




**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари**  
(январ-март ойларида 1000 аҳоли сонига)

	Тузилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2018	2019 <sup>1)</sup>	2018	2019 <sup>1)</sup>	2018	2019 <sup>1)</sup>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>17,6</b>	<b>17,6</b>	<b>4,2</b>	<b>4,1</b>	<b>13,4</b>	<b>13,5</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Навобий	17,6	18,2	5,1	4,3	12,5	13,9
Зарафшон	18,2	17,2	4,2	2,8	14,0	14,4
<i>туманлар:</i>						
Кармана	17,6	18,6	4,4	4,2	13,2	14,4
Конимех	19,1	16,9	3,3	5,0	15,8	11,9
Қизилтепа	16,4	15,3	4,2	3,7	12,2	11,6
Навбаҳор	16,5	17,5	3,9	4,5	12,6	13,0
Нурога	18,3	16,4	3,8	4,8	14,5	11,6
Томди	12,7	7,3	5,1	3,1	7,6	4,2
Учкудук	20,3	21,3	3,6	4,4	16,7	16,9
Хатирчи	18,4	19,2	4,0	4,2	14,4	15,0

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**Аҳолининг табиий ҳаракати 2019 йил январ-мартда**  
(Ҳар 1000 кишига)



**Вилоят бўйича кучиб келганлар ва кучиб кетганлар сони**  
(январ-март ойларида бирлик)

	Кучиб келганлар		Кучиб кетганлар		Миграция сальдоси	
	2018	2019 <sup>1)</sup>	2018	2019 <sup>1)</sup>	2018	2019 <sup>1)</sup>

<b>Жами</b>	<b>3341</b>	<b>2706</b>	<b>3238</b>	<b>2865</b>	<b>103</b>	<b>-159</b>
-------------	-------------	-------------	-------------	-------------	------------	-------------

*шаҳарлар:*

Навобй	754	630	1043	896	-289	-266
--------	-----	-----	------	-----	------	------

Зарафшон	443	362	400	416	43	-54
----------	-----	-----	-----	-----	----	-----

*туманлар:*


Кармана	737	617	325	223	412	394
---------	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Конимех	99	84	92	101	7	-17
---------	----	----	----	-----	---	-----


<sup>1)</sup>дастлабки маълумот

	Кучиб келганлар		Кучиб кетганлар		Миграция сальдоси	
	2018	2019 <sup>1)</sup>	2018	2019 <sup>1)</sup>	2018	2019 <sup>1)</sup>
Қизилтепа	141	173	214	164	-73	9
Навбахор	269	203	232	202	37	1
Нурота	208	122	190	114	18	8
Томди	97	120	47	64	50	56
Учкудук	235	120	289	272	-54	-152
Хатирчи	358	275	406	413	-48	-138

**Вилоят бўйича кучиб келганлар сони**  
(январ-март ойларида бирлик)



**Вилоят бўйича кўчиб кетганлар сони**  
(январ-март ойларида бирлик)



**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январ-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2706 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2865 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 159 кишига (2018 йилнинг шу даврида 103 киши) тенг бўлди.

Вилоят ҳудудида миграция қолдиғи Навоий шаҳрида (манфий 266), Зарафшон шаҳрида (манфий 54), Конимех (манфий 17), Учкудук (манфий 152), Хатирчи (манфий 138) туманларида камайишлар кузатилди.

Вилоят ҳудудида миграция қолдиғи Кармана (394 кишига), Томди (56 кишига), Қизилтепа (9 кишига) туманларида ошгани кузатилди.

**2019 йил январ-март ойларида ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**  
(дастлабки маълумот)

**Иш ҳақи.** 2019 йил январ-март ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таҳлили қўйидагиларни кўрсатмоқда: Вилоятда ўртача ойлик иш ҳақи 2806,3 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Учкудук туманида 3 399,2 минг

сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 121,1 фоиз), Зарафшон шаҳрида 3 333,9 минг сўмни (118,8 фоиз) ташкил этган бўлса, Қизилтепа туманида 1 382,3 минг сўмни (49,3 фоиз), Хатирчи туманида 1 488,3 минг сўмни (53,0 фоиз), Нурота туманида 1598,9 минг сўмни (57,0 фоиз) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.


**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи\* (минг сўмда)**

	2018 й.	2019 й.	2018 йил январ-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>2118,3</b>	<b>2 806,3</b>	<b>132,5</b>
Навоий ш.	2070,9	2 652,8	128,1
Зарафшон ш	2630,6	3 333,9	126,7
Кармана	1299,0	1 879,6	144,7
Конимех	1115,5	1 655,9	148,4
Қизилтепа	1100,5	1 382,3	125,6
Навбахор	1341,1	1 658,1	123,6
Нурота	1202,5	1 598,9	133,0
Томди	1239,1	1 731,3	139,7
Учкудук	2805,6	3 399,2	121,2
Хатирчи	1108,7	1 488,3	134,2


*\*) Қайта ҳисобланган, кичик тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги корхоналарисиз.*

2019 йил январ-март ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 132,5 фоизга ошгани ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори суръатлари Конимех тумани 148,4 фоиз, Кармана тумани 144,7 фоиз, Томди тумани 139,7 фоиз, Хатирчи тумани 134,2 фоиз ва Нурота туманида 133,0 фоизга ўсгани кузатилди.

**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2018 йил январ-мартга нисбатан, фоизда)



**Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2019 йил январ-март, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи улуши жами иқтисодий фаолият турларига нисбатан саноатда (122,8 фоиз), молиявий ва суғурта фаолиятида (120,4 фоиз), қурилишда (110,1 фоиз), савдода (69,3 фоиз), Ахборот ва алоқада (65,9 фоиз), Ташиш ва сақлаш (59,0 фоиз), Таълимда (61,8 фоиз), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий

хизматлар кўрсатишда (65,6 фоиз) ва бошқа йўналишлар (71,2 фоиз) соҳалари ҳиссасига тўғри келди.